# МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «15» 6 | 2022-175-7-99-МТ-сон | Нурободш.

**"ZULFIYA" Хусусий ишлаб чикариш ва савдо фирмаси** кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи рахбар **Ф.К.Узоков** номидан, бир томондан ва **Нуробод тумани мактабгача таълим булими** кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми асосида иш юритувчи рахбар **Д.Амирова** номидан иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товарни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Товар (Махсулот) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Етказиб бериш киймати | ҚҚС-15% | Бахоси ҚҚС билан |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ёзув столи (Тарбиячилар учун размери 200мм*600мм*750мм) | дона | 38 | 347 826,08 | 13 217 391,30 | 1 982 608,70 | 15 200 000 |
| 2 | Тиббий жавон (размери 800мм*1800мм*400мм) | дона | 9 | 826 086,96 | 7 434 782,61 | 1 115 217,39 | 8 550 000 |
| 3 | Тиббий кушетка(размери 2000мм*600мм*450мм) | дона | 11 | 652 173,91 | 7 173 913,04 | 1 076 086,96 | 8 250 000 |
| 4 | Доска (размери 100*65см) | дона | 50 | 278 260,87 | 13 913 043,48 | 2 086 956,52 | 16 000 000 |
| 5 | Вешалка сочик илгич (размери 80*65см) | дона | 54 | 139 130,43 | 7 513 043,48 | 1 126 956,52 | 8 640 000 |
| 6 | Офис мебеллар туплами | к-т | 9 | 3 460 869,57 | 31 147 826,09 | 4 672 173,91 | 35 820 000 |
| 7 | Жавон уйинчоклар, дидактик материаллар учун (размери 3200мм*1300мм*350мм) | дона | 18 | 1 826 086,96 | 32 869 565,22 | 4 930 434,78 | 37 800 000 |
| 8 | Хужжатлар учун шкаф (размери 800*370мм*2000мм) | дона | 25 | 739 130,43 | 18 478 260,87 | 2 771 739,13 | 21 250 000 |
| 9 | Стул (фанер) | дона | 30 | 121 739,13 | 3 652 173,91 | 547 826,09 | 4 200 000 |
| 10 | Ошхона учун темир стол (размери 1160*760*650мм) | дона | 22 | 1 869 565,22 | 41 130 434,78 | 6 169 565,22 | 47 300 000 |
| 11 | Стеллаж металлический (размери 1200мм*1500мм*500мм) | дона | 23 | 1 980 000 | 45 540 000 | 6 831 000 | 52 371 000 |
| 12 | Болалар кровати (2-каватли.фанера) | дона | 288 | 1 043 478,26 | 300 521 739,13 | 45 078 260,87 | 345 600 000 |
| 13 | Скамейка (150*30*30см) | дона | 46 | 139 130,43 | 6 400 000 | 960 000 | 7 360 000 |
| 14 | Болалар кийим шкафи | дона | 134 | 956 521,74 | 128 173 913,04 | 19 226 086,96 | 147 400 000 |
| 15 | Болалар стол-стули комплекти (1дона стол ва 4 дона стул) | к-т | 202 | 704 347,83 | 142 278 260,87 | 21 341 739,13 | 163 620 000 |
| 16 | Стул тарбиячилар учун(метал карказли) | дона | 167 | 152 173,91 | 25 413 043,48 | 3 811 956,52 | 29 225 000 |

Кўриб чиқган юрист: SHOROPOV SHODIYOR SHODMONOVICH. Ҳужжат рақами: QZ4034413803

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Жами** | **824 857 391,3** | **123 728 608,7** | **948 586 000** |

Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (махсулот)ни етказиб бериш муддати: 30 календар куни.

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1.Ушбу шартноманинг умумий суммаси **948 586 000** (Тўккиз юз кирк саккиз миллион беш юз саксон олти минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинадиган товар(махсулот) учун олдиндан тулов микдори 30% фоизини 284 575 800 (Икки юз саксон тўрт миллион беш юз етмиш беш минг саккиз юз) сўмни ташкил килади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг июнь ойида амалга оширилади. Якуний туловнинг микдори эса, келишилган сумманинг 70% фоизини 664 010 200 (Олти юз олтмиш тўрт миллион ўн минг икки юз) сўмни ташкил этади ва бу якуний тўлов хисоб варака такдим килингандан сўнг 2022 йилнинг декабр ойининг "31" санасигача амалга оширилади.

2..3 Узбекистон Республикаси Президнетининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли карорига асосан бюджетдан маблаг олувчиларнинг бюджет маблаглари хисобига тузиладиган шартномаларида, коидага кўра, 30 фоиз микдорида олдиндан хақ тўлаш назарда тутилган.

2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вактида топшириш.

3.1.2. Товар (махсулот)ларнинг сифати ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофик келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (махсулот) мавжудлиги хакида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (махсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик товар(маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва конун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича кабул килиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аникланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

## 4 . ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.3. Шартнома конунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг конунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлик қоплайди ва қуйидаги микдорда жарима тўлайди.

5.2. Товарни тўлик топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса 10 % микдорида жарима тулайди.

5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави лозим даражада булмаган товарлар кийматининг, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар кийматининг 20 % миқдорида жарима тўлайди.

5.4. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлик тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % микдорида, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортик булмаган микдорда пеня тулайди.

5.5 Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган хар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 % миқдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар бахосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод килмайди.

5.7. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар маҳсулотлар нархи юкори деб топилган такдирда ўртадаги фарк товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

## 6. ФОРС – МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

6.1. Форс-Мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: II45060756

февралдаги 63-сонли "Енгиб бўлмас куч (Форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида"ги Қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

### 7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил «31» декабргача амалда булади.
7.2. Мазкур шартнома 2014 йил 01 январдан амалга киритилган Узбекистон Республикаси "Бюджет кодекси"нинг 122-моддаси хамда Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон буйруги билан тасдикланган "Бюджет тизими бюджетларининг Газна ижроси коидалари" 2016 йил 22 декабрдаги 2850-сонли руйхатдан утказилгандан сунг конуний кучга киради.
7.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. амалдаги қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор холатларида.

### 8. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1. 2014 йил 01 январдан кучга кирган Узбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 122- моддаси хамда Узбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594- сонли карорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар ( ишлар , хизматлар ) етказиб берувчилар билан шартномалари , шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблаглари хисобига капитал курилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Газначиликда руйхатга олиниши шартлиги ва факат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарга тутилган .

### 9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

9.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
9.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан иқтисодий суди тартибида ҳал қилинади
9.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал килинади, келишиш имкони бўлмаганда эса даъвогар жойлашган манзилдаги Иктисодий судида хал қилинади.

### 10. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.

### 11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| «СОТУВЧИ» | «СОТИБ ОЛУВЧИ» |
|---|---|
| «ZULFIYA» ХИЧСФ | Нуробод туман мактабгача таълим бўлими |
| Манзили:Самарканд тумани, Андижони к/к | Манзили: Нуробод шахри Мустакиллик 2 |
| Тел : +998 66 240 11 11 | Тел : +998 99 595 72 70 |
| х\р 20208000403327446001 | х\р 100022860182357091100251020 |
| Банк АТБ Асакабанк Самарканд филиали | Банк Марказий банк Тошкент шахар ҲККМ |
| МФО 00264 ИНН 202419159 | МФО 00014 ИНН 207266544 |
| Рахбар: Ф.К.Узоков | Рахбар: Д.А.Амирова |

«ZULFIYA»

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY

# XULOSA

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi:** “ZULFIYa” Xususiy ishlab chiqarish va savdo firmasi o‘rtasida tuzilgan **948 586 000 so‘m**lik mahsulot yetkazib berish haqida.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:**

Nurobod tuman Maktabgacha ta’lim bo‘limi tomonidan 14.06.2022 yilda tuman YuXKMga huquqiy ekspertiza xulosasi olishlik uchun kiritilgan.

Loyiha amaldagi O‘zbekiston Respublikasi “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi tugrisida”gi Qonuniga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil 15 iyun

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi**
**Bosh yuriskonsulti** **Sh.Shoropov**